

Ғолиблар муносиб тақдирланди

Жорий йилнинг 25 – октябр куни Фуқаро муҳофзаси институтида ФВВ ва Ўзбекистондаги БМТТД билан ҳамкорликдаги ”О‘збекистон Республикасининг табиий офатлар хавфини бошқариш бо‘йича салоҳиятини мустаҳкамлаш” лойиҳаси ташаббуси билан ташкиллаштирилган танлов ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Улар планшет ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди. Совриндорлар нафақат эсдалик совғалар билан балки, Зилзилани симуляция қилиш маркази билан ҳам яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдилар.

Танловда ғолиблар икки босқич орқали аниқланди. Биринчи босқичда, иштирокчилар табиий офатлар туфайли юзага келадиган фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш борасидаги 20 та тест саволларига жавоб беришди. Ўтказилган танловда жами 3645 киши қатнашиб, тест саволларига 832 иштирокчи тўғри жавоб берди. Иккинчи босқичда, саволларга тўғри жавоб берган иштирокчилар ўртасида махсус компьютер дастури орқали қуръа ташланди ва ушбу дастур 15 нафар совриндорларни ажратиб берди.